



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 25 апрель, № 83 (4493)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 63 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 80 000 (саксон минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.
2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджетидан амалга оширилсин.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.
4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарбиёт маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.
5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 апрель.

24 апрель куни Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 1 декабрда қабул қилинган, давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонуналарнинг ижро этилишига доир 275-1-сонли Қарори ижросининг бориши кўриб чиқилди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Кенгаш мажлисида қайд этиб ўтилдики, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлари, шу жумладан, прокуратура органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қай даражада амалга ошириб келинганлиги тизимли мониторинг ўтказиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимида муайян ишлар қилинмоқда. Давлат органларининг фуқаролар ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳамда қонунийликни мустаҳкамлашга доир ишларни мувофиқлаштиришга катта эътибор қaratилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг, ички ишлар ва давлат божона органларининг, шунингдек, бир қатор маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий йўқдорлиги фаолияти ва ҳуқуқий қўллаш амалиёти бўйича 2007 йилда ўтказилган мониторинг доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ва қарорлар устидан судга шикоят беришга доир ҳамда фуқароларнинг мунозабатлари оид қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ айрим ҳолатлар аниқланди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари муҳофаза этилишини таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан 2007 йилда судларга жами 617 миллион сўмдан ошадиган 1430 та даъво аризаси берилди. Адлия органларида тадбиркорлик субъектларидан қарийб олти мингта мунозабат келди, бу мунозабатларнинг 70,2 фоизи қаноатлантирилди.


Юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатлардан кенг қўламда эркин фойдалана олишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий жиҳатдан ажратиб қўриш тизимини такомиллаштириш, амалдаги қонун ҳужжатлари тизимига солиқнинг ташкил этилиши, шунингдек, қонун ишқорлиги ва ҳуқуқий қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сибсати амалга оширилишини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органларида ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатлари ҳисобини тизимли тарзда юритиш қондалари ишлаб чиқилди. Ун олти мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўз ичига олган қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси яратилди. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан» нашри мунтазам равишда чоп этилмоқда. Юридик адабиётлар, газета ва журналларнинг шундай адабиёт ва нашрларнинг электрон автоматлаштирилган кутубхона каталоги яратилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаётган адлия органлари томонидан 43 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди, 370 га яқин ўқув ва илмий-юридик китоб, услубий қўлланма тайёрланди. Мухомама этилган масала юзасидан Кенгаш тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.



«Осиёэлектрэнергия»: МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРА БЕРМОҚДА

Энергетикани иқтисодиётнинг қонига муқояса қилишда. Шу боис мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги кунда мавжуд электр станцияларининг ишлаб чиқариш қуввати 55 млрд. квт. соатни ташкил этмоқда. Уэ навбатда, бу қимматбаҳо манбадан оқилона фойдаланиш, ресурсларни тежайдиган, инсон ва табиатга зарар етказмайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар ҳам кўрилкоқда.

Жумладан, Қўриқ туманидаги «Осиёэлектрэнергия» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқариладиган трансформаторлардан нефть-газ, тоғ-металлургия, кўмир, темир йўл каби ҳаётий муҳим соҳаларда самарали фойдаланилмоқда. Айниқса, кам энергия қуввати сарфлайдиган электр насослари фермер хўжаликларига маъқул келмоқда.

Бу ерда конструкторлик бюроси, лаборатория ва ишлаб чиқариш цеслари мавжуд. Ҳамкорлар орасида Россия, Жанубий Корея, Хитой каби давлатларнинг ширк компания ва фирмалари борлиги эса унинг салоҳияти юқорилигини кўрсатади. Корхонада Махаллийлаштириш дастурининг ички амалга оширилиши, тармоқларга кооперация-

нинг йўлга қўйилганлиги ишлаб чиқариладиган ускуна ва жиҳазларни мижозларга турдош корхоналар ёки хориж маҳсулотларига нисбатан 5-10 фоиз арзон нархда сотиш имконини бермоқда. Сиз суратда кўриб турган Сарвар Ҳасанов ва Абдор Сабадуллоев корхонанинг ёш, изланувчан ходимларидан ҳисобланади.

— Яқинда Германияда ўтказилган халқаро кўрамада маҳсулотларимиз юқори баҳоланди, — дейди С. Ҳасанов. — Унинг «Сифат, такомиллаштириш ва идеал иш» соҳинини қўлга киритдик. Бундай баҳога маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларини тўлиқ ўзлаштиришдан корхоналаримиз сазовор бўлади. Ҳозирда корхонамизни хориждан келтирилган энг сўнги русумдаги технологиялар билан жиҳазлашни мўлақабат турибмиз. Натичада 500 донга ўрнига 5000 донгагина трансформатор ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилинган 2008 йилнинг салкам тўрт ойи ортда қолди. Давлатимиз раҳбарининг қарори билан тасдиқланган «Ёшлар йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш мақсадлари учун 1,5 триллион сўм ажратиш назарда тутилган.

ИСТИҚБОЛ МАСЪУЛЛИГИ

Ана шу далилнинг ўзиёқ мазкур Дастур том маънода ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни янада юксак босқичларга кўтаришга йўналтирилган давлат дастури бўлиб қолди. Ўзбекистон Қарамони, халқ шоири Абдулла Орипов ёшларга давлат ва жамият томонидан кўрсатилган таълим ва маънавий қўллаб-қувватлашга ҳамда таълим-тарбиянинг тўлиқ моҳиятини, ҳаётини-фалсафий жиҳатлари ҳақида қўйиладиган сўзлаб берди.

— Уэ авлодига, зурриётига эътибор туйғуси табиатта ҳам, жамиятта ҳам ҳосил бўлади. Одатда, табиат бу миссияни инстинкт, ирсият талабига мувофиқ бажаради. Яъни, қўш туҳумдан бола очади ва полпониға яшаш учун зарур жамини кўникмаларини ўргатади. «Қўш индида кўрганни қўлади», деган нақл ҳам шундан қолган бўлса, ажаб эмас.

Жамоа бўлиб уюшган инсон болалари эса

ўзи каби инсонни тарбиялаб, вояга етказиши. Одамзод ҳам — табиатнинг бир бўлаги сифатида — ирсиятга қанчалик тобе бўлмасин, мустақил тафаккур билан иш кўргани боис, янги авлоднинг ўзига мос келадиган дунёқараш асосида тарбияланади. Шу маънода, қанқу боласидан бургут чиқмаслиги аниқ, лекин инсон ўз зурриётига ўзи хоҳлагандек, орзу-ният қилганидек таълим-тарбия бериш имконияти ва салоҳиятига эга.

Дунёда инсофли, диёнатли, эртасини ўйлайдиган миллат борки, ўз болаларининг тарбиясига ўта жиддийлик билан ёндашади, уларни турли таълим-таъсирлардан муҳофаза қилади. Японияга сафарим чоғида ўша юрт арбоблари, шоир-ёзувчилари билан суҳбатлашганимиз имконини тўғилган эди. Мен уларга шундай савол берганим: «Дунёдаги энг замонавий техника-тех-

(Давоми 2-бетда).

ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ — САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

Тошкентда «ЛУКОЙЛ» очик акциядорлик жамияти (Россия) Директорлар кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари, «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси раҳбарлари ҳам иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «ЛУКОЙЛ» компанияси Директорлар кенгашининг Тошкентдаги мажлиси иштирокчиларига йўлаган тадбирини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов ўқиб эшиттирди.

«ЛУКОЙЛ» ОАЖ президенти Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига ушбу муҳим тадбирга қаратган эътибори учун самимий миннатдорлик изҳор этди. Ўзбекистон билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳалар алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштириш имконини бермоқда. Ўзбекистон улкан нефть-газ салоҳиятига эга. Ўзбекистон ва Россия нефть-газ қазиб олувчилари ҳамкорлигининг имконияти ҳам катта. Бу эса ўзаро муваффақиятли ҳамкорликнинг муҳим омили ҳисобланади.

«ЛУКОЙЛ» Ўзбекистонни инвестиция киритиш бўйича ўзининг стратегик муҳим ҳамкори, деб ҳисоблайди. Биргаликда амалга оширилган ишлар самарадорлиги ҳам бундан далолат беради. Ховузак қони ўзбекистонлик шериклар билан кўп йилга мўлжалланган ҳамкорликнинг дебосасидир.

Мажлисида «ЛУКОЙЛ» Директорлар кенгаши Ўзбекистонда лойиҳаларнинг қандай амалга оширилганини кўриб чиқди. Кўп тартибга нефть компанияси акциядорларининг йиллик мажлисини ўтказишга тайёрлар-

лик кўриш масаласи ҳам киритилган. 2007 йилда катта миқдорда соф даромад олинди. Ўзбекистонда лойиҳаларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилиши ҳам бунда муҳим омил бўлди.

Маълумки, «ЛУКОЙЛ» сўнгги йилларда Ўзбекистон бозорига самарали фаолият юритмоқда. Тошкентда компания ваколатхонаси очилди, «ЛУКОЙЛ» оверсиз Ўзбекистон Лтд» шўба корхонаси ташкил этилди. Ушбу корхона «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси билан Маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим асосида имзоланган Қандим — Ховузак — Шоди — Кўнгирот мега-лоиҳасини амалга ошириш билан шуғулланмоқда. Лойиҳа 35 йилга мўлжалланган. Бу ерга киритилган инвестиция миқдори уч миллиард АҚШ долларидан ошадди.

Ҳамкорликдаги лойиҳани амалга оширишда сезиларли натижаларга эришилди. Утган йили Денгизкўл қирғоғида жойлашган Ховузак газ қони фойдаланишга топширилди. Бу ерда қисқа вақт ичида сейсмологик кидирув ишлари ўтказилди, фойдаланиладиган қудуқлар қазилди, участка ободонлаштирилди, электр энергиясини узатиш линияси барпо этилди, ав-

томобиль йўли қурилмоқда. Хитойнинг тегишли тендерда ғолиб чиққан ТУНА компанияси бургулаш ишлари пудратчиси этиб тайинланди. Ховузакда жами 37 та қудуқ қазилди. «ЛУКОЙЛ оверсиз» ва «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси Ховузак участкасидан Денгизкўл — Муборак газ қувурига узлуқсиз газ етказиб бермоқда. Ҳозир ушбу қонда 15 та бургулаш қудуғи ишлаб турибди. Йил охирида уларнинг сони 23 тага етлади. Газни олдиндан тозалаш қурилмаси ишга туширилди. Муборак газни қайта ишлаш заводиди қувватлардан фойдаланилмоқда. Тегилли соғлаш ва синовдан ўтган барча ускуналар белгиланган тартибда ишлатилмоқда. Қон илчи-ҳодимлар билан тўлиқ таъминланди, техник-муҳандислар касб-хунар ўқув марказларида тегишли тайёргарликдан ўтган.

Кандим — Ховузак — Шоди — Кўнгирот лойиҳаси бўйича жами 180 та янги қудуқ қазилди ва узуңлиги бир ярим минг километрдан ортиқ газ узатиш қувурларини барпо этиш режалаштирилган. Қонлар лойиҳада белгиланган қудат билан ишга тушган, бу ерда йилга 10 миллиард куб метрдан ортиқ газ қазиб олинади. Қандим гуруҳи қонларидан бир йилда 8 миллиард куб метр газ қазиб олиш қувватига эга замонавий газ-чиқиб мажмуини барпо этиш режалаштирилмоқда. Унинг биринчи навбатини 2011 йилда ишга тушириш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда).

Ислоҳ КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

КОРХОНАЛАР КЎПАЙИБ, МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Бир рақам шарҳи

2008 йилнинг ўтган уч ойи мобайнида республикада санаот ишлаб чиқаришининг ҳажми 10,6 фоизга ўсди.

Жойларда мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш орқали уларнинг қуввати оширилгани, юздан зиёд янги ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилгани натижасида соҳада шундай ижобий ўсишга эришилди.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАШ ИСТАГИДА БЎЛГАН ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Кадрли юрtdошлар!
Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида узаро сиёсий, иқтисодий, фан, таълим ва бошқа соҳалар каби меҳнат миграцияси соҳасида ҳам ҳамкорлик муносабатлари тобора жадвал ривожланиб бормоқда.
Жумладан, 2006 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида республикамизнинг ишчи кучи ресурсларини мазкур давлатга ишга юбориш бўйича икки томонлама ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандумга мувофиқ, республикамиз фуқароларига Эркин ёллаш тизими бўйича Кореянинг Эркин ёллаш тизими тарзида ишлаш имконияти яратиб берилиши икки давлат ўртасида қўйилган йирик қадамлардан бири бўлди.
Ўтган 2007 йил давомида мазкур тизим бўйича Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташиқ меҳнат миграцияси масалалари агентлиги кўмағида республикамизнинг олти минг нафар фуқаролари рўйхатга олиниб, улардан беш миңдан ортиқроғи корея тили бўйича икки мартаба ўтказилган тест синовларидан муваффақиятли ўтган ҳолда, Кореяга бо-

риб ишлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бунга асосан Ташиқ меҳнат миграцияси масалалари агентлиги 2007 йил ноябрь ойидан бошлаб Корея иш берувчилари томонидан танлаб олинган фуқароларни ташиқлаштирилган тартибда Корея Республикасига ишга юбориб келмоқда.
Шу билан бир қаторда, Корея томони билан олиб борилган музокаралар давомида 2008 йилда эркин ёллаш тизими бўйича республикамиз фуқаролари учун навабтдаги танловни ташиқлаштириш бўйича бир қатор натижаларга эришилди.
Биринчидан, Кореяда ишлаш истагида бўлган фуқароларни рўйхатга олиш жараёни 2008 йил 29 апрель — 2 май кунлари ва корея тили бўйича тест синовлари 2008 йил 24-25 май кунлари Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилди. Рўйхатга олиш ҳамда тест синовларини ўтказиш кунлари ва тартиблари тўғрисида батафсил маълумот «Халқ сўзи» газетасининг жорий йил 18 апрель соҳида эълон қилинди.
Иккинчидан, 2007 йилда корея тили бўйича тест синовларидан иштирок этиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикасининг олти минг нафар фуқаролари рўйхатга олиниб, улардан беш миңдан ортиқроғи корея тили бўйича икки мартаба ўтказилган тест синовларидан муваффақиятли ўтган ҳолда, Кореяга бо-

риб ишлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бунга асосан Ташиқ меҳнат миграцияси масалалари агентлиги 2007 йил ноябрь ойидан бошлаб Корея иш берувчилари томонидан танлаб олинган фуқароларни ташиқлаштирилган тартибда Корея Республикасига ишга юбориб келмоқда.
Шу билан бир қаторда, Корея томони билан олиб борилган музокаралар давомида 2008 йилда эркин ёллаш тизими бўйича республикамиз фуқаролари учун навабтдаги танловни ташиқлаштириш бўйича бир қатор натижаларга эришилди.
Биринчидан, Кореяда ишлаш истагида бўлган фуқароларни рўйхатга олиш жараёни 2008 йил 29 апрель — 2 май кунлари ва корея тили бўйича тест синовлари 2008 йил 24-25 май кунлари Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилди. Рўйхатга олиш ҳамда тест синовларини ўтказиш кунлари ва тартиблари тўғрисида батафсил маълумот «Халқ сўзи» газетасининг жорий йил 18 апрель соҳида эълон қилинди.
Иккинчидан, 2007 йилда корея тили бўйича тест синовларидан иштирок этиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикасининг олти минг нафар фуқаролари рўйхатга олиниб, улардан беш миңдан ортиқроғи корея тили бўйича икки мартаба ўтказилган тест синовларидан муваффақиятли ўтган ҳолда, Кореяга бо-

риб ишлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бунга асосан Ташиқ меҳнат миграцияси масалалари агентлиги 2007 йил ноябрь ойидан бошлаб Корея иш берувчилари томонидан танлаб олинган фуқароларни ташиқлаштирилган тартибда Корея Республикасига ишга юбориб келмоқда.
Шу билан бир қаторда, Корея томони билан олиб борилган музокаралар давомида 2008 йилда эркин ёллаш тизими бўйича республикамиз фуқаролари учун навабтдаги танловни ташиқлаштириш бўйича бир қатор натижаларга эришилди.
Биринчидан, Кореяда ишлаш истагида бўлган фуқароларни рўйхатга олиш жараёни 2008 йил 29 апрель — 2 май кунлари ва корея тили бўйича тест синовлари 2008 йил 24-25 май кунлари Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилди. Рўйхатга олиш ҳамда тест синовларини ўтказиш кунлари ва тартиблари тўғрисида батафсил маълумот «Халқ сўзи» газетасининг жорий йил 18 апрель соҳида эълон қилинди.
Иккинчидан, 2007 йилда корея тили бўйича тест синовларидан иштирок этиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикасининг олти минг нафар фуқаролари рўйхатга олиниб, улардан беш миңдан ортиқроғи корея тили бўйича икки мартаба ўтказилган тест синовларидан муваффақиятли ўтган ҳолда, Кореяга бо-

риб ишлаш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бунга асосан Ташиқ меҳнат миграцияси масалалари агентлиги 2007 йил ноябрь ойидан бошлаб Корея иш берувчилари томонидан танлаб олинган фуқароларни ташиқлаштирилган тартибда Корея Республикасига ишга юбориб келмоқда.
Шу билан бир қаторда, Корея томони билан олиб борилган музокаралар давомида 2008 йилда эркин ёллаш тизими бўйича республикамиз фуқаролари учун навабтдаги танловни ташиқлаштириш бўйича бир қатор натижаларга эришилди.
Биринчидан, Кореяда ишлаш истагида бўлган фуқароларни рўйхатга олиш жараёни 2008 йил 29 апрель — 2 май кунлари ва корея тили бўйича тест синовлари 2008 йил 24-25 май кунлари Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларида ўтказилиши режалаштирилди. Рўйхатга олиш ҳамда тест синовларини ўтказиш кунлари ва тартиблари тўғрисида батафсил маълумот «Халқ сўзи» газетасининг жорий йил 18 апрель соҳида эълон қилинди.
Иккинчидан, 2007 йилда корея тили бўйича тест синовларидан иштирок этиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикасининг олти минг нафар фуқаролари рўйхатга олиниб, улардан беш миңдан ортиқроғи корея тили бўйича икки мартаба ўтказилган тест синовларидан муваффақиятли ўтган ҳолда, Кореяга бо-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдаги «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институтини ташкил қилиш тўғрисида»ги Қарорига асосан,

ЎЗБЕКISTОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ (СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИ)

БИЛАН БИРГАЛИҚДА ҚЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ТАЛАБАЛАРНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА КАТТА МЕНЕЖЕР

Танловда қуйидаги талабларга жавоб берадиган шахслар иштирок этишлари мумкин:

- олий маълумотга эга бўлган (педагогик маълумотга кўпроқ аҳамият берилди);
- талабаларни олий ўқув юрtdарига қабул қилиш ва улар билан ишлаш бўйича 3 йилдан кам бўлмаган тажрибага эга бўлган;
- ташкилотчилик қобилияти ва иш юритиш бўйича малакага эга бўлган;
- инглиз тилида сўзлаша оладиган;
- компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган.

МОЛИЯ ВА МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА КАТТА МЕНЕЖЕР

Танловда қуйидаги талабларга жавоб берадиган шахслар иштирок этишлари мумкин:

- иқтисод ёки юридик таълим йўналишида олий маълумотга эга;
- ташкилотчилик ишларида тажрибага эга бўлган;
- компьютерда ишлаш тажрибасига эга бўлган.

Бунда халқроқ аудиторлик компанияларида иш тажрибасига эга бўлган ҳамда инглиз тилида сўзлаша оладиган шахсларга кўпроқ аҳамият берилди.

Ушбу танловда қатнашишни хоҳлаган шахслар ўз ҳужжатларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтохур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси.

Мўлжал — метронинг «Халқлар Дўстлиги» бекати.

Аризаларни топшириш муддати — ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 238-69-68. Электрон почта: office@uba.uz. Веб-сайт: www.uba.uz

ООО «Росагропромснаб» предлагаєт:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА
ультразвуковые «Гобой-1»

СЧЕТЧИКИ ГАЗА
вихревые СВГ.М

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставяєт краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, квл 6, д-2 (Ор-р — метро «М. Улугбек») **Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57**

САНТЕХНИКА Товар сертифицирован

(Унитазы: 85 000 сум. — б/н, 80 000 сум. — за налич.)
(Умывальники: 60 000 сум. — б/н, 55 000 сум. — за налич.)

В КОМПЛЕКТЕ

ЛИНОЛЕУМ
БОЛЕЕ 10 РАСЦВЕТОВ
(5 500 сум. — б/н, 4 500 сум. — за налич.)

ПЛИТКА
ОБЛИЦОВОЧНАЯ

РАЗМЕРЫ: 33x33, 33x15, 33x10 см

ВСЯ ПРОДУКЦИЯ ИЗ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТОГО МАТЕРИАЛА

Тел.: (+99898) 301-90-84 (круглосуточно), 302-16-90, 233-15-77, 233-14-42, 294-51-00, 280-5540/41/42

«TTZ-METALL» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
корхонада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари ва металлпрокатни таклиф этади.

Тошкент шаҳрида жойлашган «TTZ-Metall» қўшма корхонаси турли қишлоқ хўжалик юкларини ташиш учун мўлжалланган тўр (сетка) ва текис ўрнатма бортли трактор, самосвал тиркамалари, бир ўқли ярим тиркамалар ишлаб чиқаради. Шунингдек, қўшма тиркамалар учун ўрнатма бортлар, осма қуруллар — бортлар («БЗТХ ООС БС»), плуг («ПН-2-30»), икки корпусли, «ПН-3.35.000», уч корпусли) тайёрлайди. Арзон нархларда тиркамаларни таъмирлайди ва техник ёрдам кўрсатади.

«TTZ-80-10» негизда «ЭО-2621 В-3» экскаваторлар (айланма синхрон куракли ва бульдозер ағдаргичли (ағдарш кенглиги — 2000 мм.) унча катта бўлмаган, кинематик қавлаш чўқурлиги — 4,15 метр). Сотилиш нархи — 42 800 000 сум.

Қишлоқ хўжалик объектларида юклаш-тушириш, монтаж ва транспорт ишларини бажариш учун мўлжалланган «TTZ-80-10» тракторлари шахси негизда ўқли, гидравлик, осма «ОПТ 9195» махсус монтажи кўтаргичлар. Сотилиш нархи — 41 600 000 сум.

«TTZ-Metall» ҚҚ бюрutmачи эскизи бўйича металл панжара ва ностандарт усқуналарни тайёрлаб беришни таклиф қилади.

Материал номи	Баҳоси (миң сум)
Лист 0,5x600x2000 65г	2600
Лист 1,0x1000x2000 65г	2350
Лист 1,5x6000x2000 65г	2350
Двутавр 550x220	1400

Нархлар келишилган, иш ҳажмига қараб ўзгартрилиши мумкин.

Тошкент ш., «Буюк Ипақ йўли» к., 434. Тел./факс: 261-38-30, 261-33-41. E-mail: ttz-metall@rambler.ru

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПК-672-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги давлат активлари сотилиши бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади.

Сотувга «O'zenergota'minlash» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 25 фоизини ташкил этувчи 118 218 (бир юз ўн саккиз миң икки юз ўн саккиз) дона оддий акциялар қўйилади.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси — 3 361 000 (уч миллион уч юз олти миң бир миң) АҚШ доллари қийматини ташкил этади.

Корхонанинг инвестицион талаблари миқдори 800 000 (саккиз юз миң) АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда «O'zenergota'minlash» ОАЖнинг 25 фоиз акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва корхонанинг инвестицион талабларини инобатта олган ҳолда энг юқори инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган сармоядор устуниликка эга бўлади.

«O'zenergota'minlash» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, 1994 йилда ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури — «O'zbekenergo» ДАКка қарашли корхона ва объектлари, ишлаб чиқаришда, капитал таъминлашда ва таъмирлаб, эксплуатация қилишда керакли бўлган материаллар, эҳтиёт қисмлар, механизмлар, машина ва яна кўплаб зарур усқуналар билан таъмирлаб беришдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Маълумотлар учун қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 500 (беш юз) АҚШ доллари қийматини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

АИТБ «Ипақ йўли»,
- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001;
- сўм ҳисоб рақами 20203000600600289001,
ИНН 201122696, банк коди 00444,
S.W.I.F.T. код: INIPUZ22.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 10 июнда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларининг очилиши 2008 йил 10 июнда Тошкент вақти билан соат 16.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси мажлислар зали (5-қават)да амалга оширилади.

Тендер таклифларини очиб вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, «Ўзбекистон» шоҳқўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-01-хона.

Бош директор Саъдуллахон Хамидуллахонович Набихонов эътиборига.
Телефон: +998 71 139-22-23.
Факс: +998 71 139-21-42.
Эл. почта: eibb@tps.uz

INVITATION TO TENDER

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE PROPERTY TO THE FOREIGN INVESTORS

hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-672 as of July 20, 2007,

Public tender for the sale 25% share of JOINT STOCK COMPANY «O'ZENERGOTA'MINLASH»

The Tender for JSC «O'zenergota'minlash» is for the sale of 118 218 (one hundred eighteen thousand two hundred eighteen) shares of common stock constituting the aggregate of 25% of the Enterprise's total issued shares.

Starting bidding price of the pack of shares is not less than 3 361 000 (three million three hundred sixty one thousand) US dollars.

The investment needs of the Enterprise constitute the amount of 800 000 (eight hundred thousand) US dollars.

At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 25% of shares of the Enterprise and undertake the highest volume of investment obligations based on the investment needs of the Enterprise.

JSC «O'zenergota'minlash» is located in Tashkent city and was established in 1994. The main activity of the enterprise is procurement activity, provision of necessary materials, equipments, spares, machineries, machines for enterprises of Uzbekenergo.

Investors interested to participate in the Tender must submit a properly completed Application form for participation and Confidentiality Statement, which should be sent along with brief information on their company. With the inquiries please contact to the address given below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon presenting to Enterprise Institution Building Bureau the filled in and signed Application form and Confidentiality Statement along with the copy of the proof of payment.

The price of the package of bidding documents constitutes 500 (five hundred) US dollars, which are to be transferred to either of the account stated below.

USD Account: 20203840500600289001
UZS Account: 20203000600600289001
in the JIBC «Ipaq Yoli»
TIN 201122696, bank code 00444
S.W.I.F.T. code: INIPUZ22

The Bid submission deadline expires at 12:00 a.m. Tashkent time on the 10th of June 2008.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 16:00 p.m. Tashkent time on the 10th of June 2008.

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedure, have the right to participate at the opening of the packages with Tender Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

EIBB, Enterprise Institution Building Bureau
State Property Committee Bldg., room 15.01
Uzbekistanskaya Str., 55
100003 Tashkent, Uzbekistan

Attention: Mr. Sa'dullakhon Nabikhanov
Director General
Tel: (+998 71) 139 22 23
Fax: (+998 71) 139 21 42
Email: eibb@tps.uz

МАДАНИЯТ

хабарлари

Гулистон шаҳридаги Амфитеатр майдонида "Аскиячи ва қизикчи-лар" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«ХУШЧАҚЧАК»НИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Танловда Олим Хўжаев номидаги вилоят драма театрининг «Хушчақчақ» гуруҳи, Гулистон санъат коллежи ўқувчилари, Ёш томошбинлар театри жамоалари ғолиб деб топилди. Биринчи ўрин соҳиби — «Хушчақчақ» гуруҳи кўрик-танловнинг жорий йил май ойида Андижон вилояти Қорасув шаҳрида бўлиб ўтган республика босқичида қатнашадиган бўлди.

Хусан БУРҲОНОВ.

МИЛЛИЙ ДОРБОЗЛИК САНЪАТИ

"Бухоро юлдузлари" миллий дорбозлар жамоаси миллий дорбозлик ва анъанавий цирк жамоалари республика фестивалида қатнашади.

Шунингдек, Бухоро шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган ушбу тадбирда "Лаъли" эстрада-цирк халқ жамоаси ҳам ғолиблар сафидан ўрин олиб, фестивалнинг республика босқичида ўз маҳоратини синовдан ўтказадиган бўлди.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ТАЯНЧИ

Яқинда Республика Кўзи оғизлар кутубхонасида кўзи оғизлар ёзувининг асосчиси Луи Брайл таваллудига 200 йил тўлиши муносабати билан бадий кеча ташкил этилди.

"Ёшлар — келажагимиз таянчи" деб номланган мазкур тадбир доирасида турли танлов ва викториналар уюштирилди. Тадбирда ҳаваскор ёшлар бадий жамоаси ўз куй-қўшиқлари билан иштирокчиларни хушнуд этди.

Мухтасар КАРИМОВА.



Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Шаҳару қишлоқларимиздаги ҳар бир боланинг энг сеvimли спорт тури футбол эканлигига шубҳа йўқ. Негаки, у тетапоё бўлганидан тўп тепишга интилади. Қизиги, ёш болаларнинг футболга иштиёқи азал-азалдан шундай бўлган. Аммо

ўтган даврда етарли шарт-шароитларнинг яратилмагани туфайли бу иштиёқ ҳаваслигича қолиб кетарди. Бугун эса мактаб, маҳалла, лицей, коллеж, олий ўқув даргоҳи — ҳамма-ҳаммасида замонавий стадионлар, спорт майдончалари мавжуд.

мини футбол бўйича Осиё чемпионатида кумуш медаль соҳиби бўлди.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинган республика футбол мактаб-интернатлари биринчилигида ҳам самарқандликлар муваффақиятли қатнашиб келишяпти. Ҳозиргача улар бу нуфузли турнирнинг беш бора ғолибига айланган. 2007 йилда эса мактаб-интернат ўқувчилари Самарқанд кубоги учун ўтказилган мусобақаларда илк бор қатнашиб, мусобақа финалигача етиб келишди. Шу йили етти нафар ўқувчи Самарқанднинг «Динамо» ва «Каттақўрғон-Динамо» профессионал футбол клублари билан шартнома имзолашди.

Футбол мактаб-интернатининг йўлга яшилгани бораяпти. Болаларни ўқитиш ва уларни маҳоратли футболчилар қилиб тарбиялаш ҳам айнан яратилган шароитлар даражасида. Ўқувчилар ётоқхоналарида барча қулайликлар мўжайб. Умирлар футбол мактаб-интернатда бир қанча ўқувчилар билан суҳбатлашдик, машғулотларни кузатдик. Болаларнинг стадион бўйлаб чаққон ҳаракатлари, бир-бирларига аниқ тўп оширишлари, дарвозани нишонга олишлари — бари-бари бу ерда умидли футболчилар вояга етаётганидан, уларнинг катта футбол сари йўл олаётганларидан дарак беради.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КАТТА ФУТБОЛГА ЙЎЛ



дан ташқари шаҳардаги «Локомотив» ва «Ёшлик» уйингоҳларида ўтказилади.

Бугунги кунда мактаб-интернат тарбияланувчиларидан Анвар Гафуров ва Аскар Му-

ҳиддинов Ўзбекистон миллий терма жамоасининг, Зоҳир Пиримов ва Достон Абдурамонов ёшлар терма жамоасининг аъзоларидир. Самарқанднинг «Динамо»сидан ташқари

«Нефтчи», «Бухоро», «Машъал», «Навбахор» футбол клубларида тўп сураётганлар ҳам кўчликлари ташкил этади. Тарбияланувчилардан яна бири — Фаррух Фахруддинов 2006 йилда

Маълумки, коллеж ва академик лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод — 2008» спорт ўйинлари финал босқичи жорий йилнинг май ойида Қорақалпоғистонда бўлиб ўтади.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Жиззахлик ўқувчилар ҳам мазкур мусобақага жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар. Эсингизда бўлса, «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг дастлабкиси 2001 йили Жиззахда бўлиб ўтган. Унда вилоят ёш спортчилари умумжамоа ҳисобига тўртинчи ўринни эгаллашганди. Андижон ва Тошкент вилоятларида ўтган беллашуларда эса қутилган натижаларга эришилмади. Вилоят ёшлари бу сафар ўз олдларига катта мақсад қўйишган.

— Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 165 нафар йигит-қиз терма жамоа таркибига танлаб олинди, — дейди ви-

лоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Насиба Мавлонова. — Улар спортнинг 12 тури бўйича тажрибали мураббийлар қўли остида сўнгги тайёрларлик машғулотларини олиб бормоқдалар. Иштирокчилар учун чиройли, бежирим кийимлар тайёрлаб қўйилган. Энг муҳими, спортчи йигит-қизларнинг кайфиятлари яхши. Улар «Баркамол авлод — 2008»да муваффақиятли қатнашишни ният қилиб туришибди.

Баҳридин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ШЕРЮРАК» ГОЛИБ ЧИҚДИ

Чирчиқ шаҳридаги сержантлар тайёрлаш мактабиде ёшлар онгига ватанпарварлик туйғуларини синдириш ва ўмирларни армия сафида хизмат қилишга тайёрлаш мақсадида уюштирилган «Шуқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда умумтаълим мактабларининг юқори синфларида ҳамда касб-хунар коллежларида таҳсил кўраётган ўқувчилардан иборат 21 та жамоа ўзаро куч синашди. Яқиний натижаларга кўра, Паркент туманидаги 1-ўрта мактабнинг «Шерюрак» жамоаси ғолиб чиқиб, мусобақанинг республика босқичида вилоят шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Алоҳида ҳолда ИСИТИШНИНГ янгича ечими Газда ишлайдиган АКОГ иситиш конвектори:

- хонани тезда иситади;
- белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;
- совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;
- газни тежаб сарфлайди;
- бинолар, кotteжлар, дала ҳовлисидаги уйлари иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Ишлаб чиқарувчидан арзон нархларда тўғридан-тўғри етказиб берилади. Етказиб бериладиган маҳсулот сертификатланади.

Тошкентдаги телефон: 242-84-64, 242-93-73. E-mail: ubcazia@rambler.ru

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ ҚУЙИДАГИ

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига таклиф этади:

бозор иқтисодиёти ва менежмент асослари; информатика ва ахборот технологиялари; лизинг операциялари ва унинг инвестициялар ривожига ҳамда ташкилотларни молиялаштиришдаги роли; бухгалтерлик ҳисобини олиб боришнинг янги тизими (НСБУ № 21); маҳаллий бюджетларда гaзначилик шаклларининг бажарилишини ташкиллаштириш; корпоратив маданият ва расмий муносабатлар этикети; ходимларни бошқариш; менежмент, маркетинг ва логистика асослари; кадрлар бўлимининг ҳуқуқий масалалари; педагогика технологиялари.

Ўқш жарайни 33 йўналишда ўтилади. Вилоятдан келганлар университет меҳмонхонасидан жой билан таъминланадилар (1 суткаси — 6 000 сўм).

Ўқш нархи: бир ҳафталик курс — 60 000 сўм, икки ҳафталик курс — 90 000 сўм. Ушбу нархга ўқув қўлланмалари ҳам киритди.

Ўқш жарайни бўйича ва тўлиқ маълумот олиш учун ЖИДУ Бошқарув институтига мурожаат қилишингизни сўраймиз. Боғлаш телефонлари: 267-64-81, 267-17-05. Факс: 267-05-46. Манзилимиз: 100077, Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 71-уй.

Advertisement for 'MIR oboev' featuring 'Rossiyskiy linoleum'. Includes contact info: Tel. 234-48-11, Fax 234-49-58.

Advertisement for 'Успех-дело техники!' featuring Fujitsu Computers and Siemens. Includes contact info: Адрес: ул. Лисюнова, 2. Тел. (+99871) 294-50-60.

Advertisement for 'РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ'. Includes details about auctions and contact info: www.rkmb.uz

Advertisement for 'МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ' and 'МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ'. Includes details about truck and tractor production.

Advertisement for 'ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ'. Includes details about pipe products and contact info: Тел: +998 97 1587899.

Advertisement for 'Узбекистон Республикаси Монополиядан чиқариб, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси'. Lists various companies and their products.

Advertisement for 'Халқ сўзи Народное слово'. Includes contact info: МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ'. Includes contact info: 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган.

Advertisement for 'Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.' Includes contact info: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.

Advertisement for 'МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.' Includes contact info: Топшириқда — 00.45 1 2 3 4 5 6 8